

Республика агрокимёвий таҳлил марказининг 2025 йил якуний ҳисоботи

I. Амалга оширилган ишлар

1. 2025 йилда режа **725,4 минг гектар** бўлгани ҳолда, амалда **9,6 мингдан** ортиқ ердан фойдаланувчиларнинг **753,1 минг гектар** ер майдонларида тупроқнинг (фосфор, калий ва гумус) контурлар кесимида агрокимёвий хаританомалари тайёрланиб, минерал ўғитларни экин туридан келиб чиққан ҳолда табақалаштириб киритиш бўйича тавсиялар ишлаб берилди ва йиллик режа **103,8 фоизга** бажарилди.

Марказнинг “uzagrolab.uz” электрон платформада ердан фойдаланувчиларнинг **727,4 минг гектар** электрон агрокимёвий хаританомалар яратилди.

Маълумот учун: 2021-2025 йиллар давомида **52,1 минг** нафардан ортиқ агрокластер ва фермер хўжалиқларининг **2 млн. 845 минг гектар** суғориладиган ер майдонларига агрокимёвий хаританомалар тайёрлаб берилди, шундан 2 млн.337 минг гектар майдон маълумотлари “uzagrolab.uz” электрон платформасига киритилиб, хаританомалар рақамлаштирилди.

2. Марказий ва ҳудудий синов лабораторияларида **1944 та** намунада, шундан **909 та** азотли, **314 та** фосфорли, **84 та** калийли, **481 та** мураккаб ўғитлар, **62 та** микроэлементли ўғитлар ва **94 та** органик ўғитлар таҳлиллардан ўтказилиб, жами **26 та** намунада **68,6 тн.** Стандарт талабларига жавоб бермайдиган минерал ўғитларнинг далага киритилишининг олди олинган.

Маълумот учун: Республика агрокимёвий таҳлил маркази ва унинг ҳудудий марказлари томонидан **2022-2025 йиллар** давомида жами **6080 та** намунада минерал ўғитларнинг сифати таҳлил қилинган.

Лаборатория таҳлиллари натижасида **143 та** намунада минерал ўғитлар сифат кўрсаткичлари **ГОСТ** ёки **ТШ** талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланган. Натижада **1412 тонна** ўғитларнинг далага киритилиши олди олинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 30 декабрдаги ПҚ-465-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четлари ҳамда каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлар тупроқларини агрокимёвий таҳлилдан ўтказиш ҳамда экин турларига мос равишда минерал ўғитларга бўлган илмий талабни ишлаб чиқиш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқланди.

Мазкур тартиб асосида жойларда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари давлат инспекторлари билан ҳамкорликда тупроқ намуналарини олиш, ҳудудий марказларнинг лабораторияларида тупроқ намуналарини агрокимёвий таҳлиллардан ўтказиш ишлари амалга оширилди.

Натижада **дала четлари** атрофидаги **29,9 минг гектар** ҳамда **коллектор-дренаж** атрофидаги **10,0 минг гектар** (100 фоиз) майдонларда тупроқ намуналари агрохимёвий таҳлилдан ўтказилиб, фермер хўжаликларига минерал ўғитлардан фойдаланиш бўйича хулоса ва тавсиялар берилди.

4. Тупроқ ва ўсимлик маҳсулотларида токсикологик ва радиологик таҳлил бўйича **166 та** назорат нуқталарида (**2190** гектар) хлорорганик пестицидлар (**ДДТ, ДДЕ, ГХЦГ**), **130 та** сигнал далаларида (**1040** гектар) радионуклидлардан “**Стронций-90**” ва “**Цезий-137**” қолдиқ миқдорлари лаборатория таҳлилларидан ўтказилиб уларнинг зарарли таъсирларини олдини олиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб берилди.

5. Жаҳон банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида марказий синов лабораторияси кимёвий воситалар сифатини ҳамда тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги пестицид қолдиқларини аниқлаш, радиологик ва токсикологик таҳлилларини ўтказиш учун **1,0 млн. АҚШ доллари** қийматидаги жаҳон стандартларига мос лаборатория асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

Жумладан, **ISP-MS-2030 LF Shimadzu, LCMS-8060 Shimadzu (VEJCh-MS-8060), GCMC-TQ 8050 NX 230V Shimadzu, GC-2010 Shimadzu (GX-2010), LC-40D XR Shimadzu (VEJX-40D)** каби юқори аниқликда ишловчи замонавий ускуналар ва уларнинг ёрдамчи қурилмалари келтирилди.

Ушбу жиҳозлар билан қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган пестицидлар сифати ва миқдор кўрсаткичларини ҳамда тупроқ ва етиштирилган маҳсулотлар таркибидаги қолдиқ миқдорларини юқори аниқликда таҳлилдан ўтказиш имконияти яратилди.

Шу билан биргаликда таркиби номаълум бўлган модда таркибини текшириш, элемент анализ йўлга қўйилган бўлиб, **70 дан** ортиқ турдаги макро ва микро элементларни таҳлил қилади.

Ҳозирги кунда ушбу жиҳозлар ёрдамида **300 дан** ошиқ пестицидларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари таҳлил қилиш имконияти мавжуд.

Марказий синов лабораторияси “**ISO 17025-2019**” халқаро стандарти (тупроқ ва минерал ўғитларининг таҳлили қилиш) бўйича аккредитациядан ўтган бўлиб, бугунги кунда мазкур қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таркибини ташхис қилиш йўналишида аккредитация соҳасини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

6. Дала шароитида тупроқ агрохимёвий таҳлилларини ўтказиш учун **12 та** мобил лабораториялар ишга туширилди.

Шунингдек, **22 дона FT-GT3** русумли юқори интеллектуал кўп функцияли портатив мобил лабораториялар ҳудудларда фермер ва аҳоли томорқаси учун хизмат кўрсатмоқда.

7. Ҳудудий марказлар томонидан **690 та** МФЙлардаги **35,4 минг нафар** томорқа эгаларининг **7,2 минг гектар** экин майдонлар ўрганилиб, томорқа

эгаларига минерал ўғитлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича тавсия ва таклифлар берилди.

Маълумот учун: 2024-2025 йиллар давомида **1849 та** МФЙлардаги **78,7 минг нафар** томорқа эгаларининг **14,1 минг гектар** экин майдонлар ўрганилган.

8. Оммавий ахборот воситаларида соҳани кенг тарғибот қилиш учун малакали мутахассислар иштирокида телевидениеда **45 та** кўрсатувлар ташкил этилди ҳамда **17 та** радиоэшиттиришлар берилди, жойларда **353 мартаба** семинарлар ташкил этилди.

II. 2026 йилда бажариладиган устувор вазифалар:

-Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами **730,9 минг гектар** суғориладиган ер майдонлари тупроқларини агрокимёвий таҳлиллардан ўтказиш ва агрокимёвий хаританомалар ишлаб чиқиш;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30-декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги **465-сон қарори** ижросини таъминлаш мақсадида **дала чети** ва **канал-коллектор атрофидаги** ерларни агрокимёвий таҳлиллардан ўтказиб, минерал ўғит қўллаш бўйича тегиши тавсияларни бериш;

- **Вазирлар Маҳкамасининг** 2024 йил 5-августдаги "Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш билан боғлиқ айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги"ги **481-сонли қарори** ижросини таъминлаш;

-Республика агрокимёвий таҳлил марказининг синов лабораториясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги нитрат ва пеститсидлар қолдиқ миқдорларини таҳлил этиш хизматини йўлга қўйиш;

-Аҳоли томорқа ер эгаларига хизмат кўрсатиш хажмини ошириш;

-Республика бўйича жами **130 та назорат** нуқталари ва **166 та сигнал** далаларида радиологик ва токсикологик кузатув ишлари олиб бориш ҳамда хулосалар асосида тупроқ таркибида захарли моддаларни камайтириш ишлари бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш;

-Қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган **минерал ўғитларни сифат таҳлилини ўтказиб бориш**;

-Соҳани рақамлаштириш, "**uzagrolab.uz**" ахборот тизимини one.id.uz тизими билан интегратсия қилиш;

-Марказ фаолиятини оммавий ахборот воситалари ҳамда марказнинг расмий сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида кенг тарғиб қилиш.